

ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР ВА УЛАРНИНИГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ

(Уч ўзакли феъллар мисолида)

Маълумки, феъл сўз туркуми нарсанинг ҳаракат ва ҳолатини билдиради. Ўзбек тилида ёрдамчи феъллар феъл шаклининг аналитик шаклларига мансуб.¹ Субъектнинг иш-ҳаракатини билдирувчи етакчи феъл билан бирга келиб, унга турли қўшимча маъно берувчи феъллар ёрдамчи феъллар дейилади.

Ўзбек тилида ёрдамчи феъл, асосий феълга бирикиб турли модал маъноларни ифодалайди. Кўмакчи феъл таркибидаги биринчи қисм етакчи, иккинчи қисм кўмакчи ҳисобланади. Бу қўшилма –и(б), -а(й), қўшимчалари (равишдош шакли) ёрдамида бир-бирига боғланади ва турли модал маъноларни ифодалайди.

Масалан: *ёна бошламоқ (ёниш), йиғлай бошламоқ.*

Кўмакчи феълли бирикма бир-бирига боғланиб кетган икки ҳаракатни ифодалаши билан қўшма феълдан фарқланади. Ўзбек тилидаги *бошла, ўтир, юр, қол туш, чиқ* каби феъллар кўмакчи феъл бўлиб келади. Тўлиқсиз феъл ўзича якка ҳолда маъно англатмайдиган феъл шаклидир. Бу шакл бошқа сўзлар билан бирга қўлланади.

Масалан: *эди, экан, эмиш, эрур (тарихий шакл), эмас, эса (боғловчи вазифасини бажаради).*

Эди – тўлиқсиз феъли замон маъносини ифодалайди. Тўлиқсиз феъллар тусланади, турли модал маъноларни билдиради.

Масалан: *Бу жойлар чўл эди.(таъкидлаш)*

Анварнинг акаси учувчи экан. (кейин маълум бўлганлик)

¹ Лафасов Ў. “Ўзбек адабий тили”. Т-2007.Б-47

Бу расмни Азизанинг ўзи чизган эмиш. (ишончсизлик).

Тўлиқсиз феъллар феъл ва бошқа туркумларга боғланиб келади, баъзан қисқариб (-ди, -кан, -миш) қўлланади.

Масалан: *У эртага бораркан.*

Араб тилидаги ёрдамчи феъллар ўзига хос хусусиятга эга. Кўпгина араб наҳвчилари ва шунингдек, машҳур арабшунос Б.М.Гранде ҳам бундай феълларни алоҳида гуруҳларга бўлиб талкин қилган. Араб муаллифлари бундай феълларни қуйидаги грамматик атамалар билан тақдим этадилар:

1. “Бўлиш” ва ”бўлиб қолиш” мазмунини ифодаловчи феъллар – كان وأخواتها

ليس، صار، عاد، رجع، ما برح، ما فتى، ما انفك، ما زال، ما دام، بقي، بات، أمسى، Бу гуруҳга каби феъллар киради. أصبح

2. Мулоҳаза феъллари – الأفعال الرجحان

Бу гуруҳ феълларига:

ظَنَ (مَثَل: ظن الظمان السراب الماء) – *Ташна саробни сув деб ўйлади.*
حَسِبَ (مَثَل: حسب الجاهل الكبرياء عظمة) – *Жоҳил киборни буюклик деб ҳисоблади.*

زَعَمَ (مَثَل: زعم المظلوم العدل بعيداً) – *Мазлум адолатни узоқ деб ўйлади.*
خَالَ (مَثَل: خال المتفائل النصر قريباً) – *Оптимист ғалабани яқин деб хаёл қилди.*
каби феъллар шу гуруҳга киради ва иккита тўлдирувчи (مفعول)ни тушум келишигида келишини тақозо этади.²

3. Ўзгариш ёки айланиб қолишни ифодаловчи феъллар – أفعال التحويل

Бу феълларга جَعَلَ، صَيَّرَ، تَرَكَّ، اِتَّخَذَ، جَعَلَ феъллари киради. Бу феъллар ҳам мулоҳаза феъллари каби иккита тўлдирувчи (مفعول) ни бошқаради.

رَدَّ شعورَهُنَّ البياضَ سوداً – *Уларнинг оқ сочларини қора қилиб қўйди.*

4. Иш-ҳаракатнинг бошланишини ифода этувчи феъллар – أفعال الشروع

Бу турга أَخَذَ، جَعَلَ، شَرَعَ، أَقْبَلَ، أَنْشَأَ، عَلِقَ، طَبَقَ، طَفِقَ каби феъллар мисол бўлади.

² أبو بكر علي عبد العليم. مكتبة الأسرة في النحو. القاهرة-2002م. ص 159.

Бу феъллар асосий мазмун англатувчи феъл билан келиб, шу феъл англатган иш-ҳаракатнинг бошланишини билдиради.

طَفِقَتْ تَضَحَاكُ – *У кула бошлади.*

5. Бўсаға мазмунини ифодаловчи феъллар – أفعال المقاربة

Иш-ҳаракатнинг бошланиш бўсағасида эканлигини ифодаловчи феълларга كَادَ، أَوْشَكَ، كَرَبَ кабилар киради.

Иш-ҳаракатнинг бўлиш эҳтимоли ёки имкониятини билдирадиган феълларга حَرَى، عَسَى ва اِخْلُوقَ каби феъллар киради.³

كَادَ الْمَرِيضُ يَمُوتُ=كَادَ الْمَرِيضُ أَنْ يَمُوتَ – *Бемор ўлаёзди.*

عَسَى الْهَمُّ يَكُونُ وَرَاءَهُ فَرْحٌ – *Балки ғамдан сўнг қувонч келар.*

كَادَ кўпинча боғловчисиз, عَسَى ва أَوْشَكَ боғловчилар билан қўлланилади.

6. Мақтов ва таҳқир феъллари – أفعال المدح والذم

Бу феълларга:

1) حَبَدَ، نِعَمَ – “қандай яхши!”

2) حَبَدَ، بئسَ، سَاءَ – “қандай ёмон!” маъноларини ифодаловчи тусланмайдиган феъллар киради.

نِعَمَ زَيْدٌ – *Зайд қандай яхши!*

حَبَدَ الْعِلْمُ – *Илм қанчалар яхши!*

بئسَ الشَّرَابُ – *Ичимлик қандай ёмон!*

7. Ажабланиш феъллари

Бундай феъллар икки хил қолипда ясалади:

1. مَا أَفْعَلُ ўзидан кейинги отни тушум келишигида бошқаради.
مَا أَطْيَبَ الطَّعَامُ – *Бу таом қандай яхши!*
2. أَفْعَلْ بِـ қолипида.

³ Б.М.Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М-1998г. Б. 442-443.

أكرم بزید – Зайд қандай саҳоватли.⁴

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, феъл туркуми бошқа сўз туркумлари ичида энг салмоқли ўринни эгаллайди. Араб тилидаги феълларнинг морфологик хусусиятларини билмай туриб, бошқа туркумларга хос кўпгина грамматик қоидаларни ўзлаштириш мумкин эмас. Феъл араб тилида сўзларни тушуниш, асл моҳиятини англашда муҳим рол ўйнайди.

Араб тилида феълларни уч ўзакли ва тўрт ўзакли феъллар ташкил қилади. Биз юқорида кўриб ўтган араб тилидаги ёрдамчи феъллар оғзаки ва ёзма нутқда жуда фаол қўлланилади. Уларни грамматик таркиби ва қандай семантик маъно англатишини билиш ҳар бир тил мутахассиси учун муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. الشيخ مصطفى الغلايني. جامع الدروس العربية. دار الغد الجديد. القاهرة-2007
2. دكتور صلاح رؤاي. النحو العربي نشأته، تطوره، مدارس، رجاله. دار الغريب للطباعة والنشر والتوزيع. القاهرة 2003.
3. أبو بكر محمد بن حسن الزبيدي الأندلسي. طبقات النحويين واللغويين. دار المعارف. مصر. القاهرة – 1392هـ-1973م.
4. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. –М.: 1972.
5. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно– историческом освещении – М.: Вост.лит., 1963
6. История лингвистических учений. Средневековый Восток.–Л.: Наука. 1981.
7. Лафасов Ў. “Ўзбек адабий тили” Тошкент-2007
8. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат нашриёти. 1997. II жилд.

⁴ Б.М.Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М-1998г. Б. 444